

ХУДУДЛАРДА МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎНАЛИШЛАРИ ТАҲЛИЛИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10795313>

Олим Албаевич Жўраев

таянч докторант

Термиз давлат университети

АННОТАЦИЯ

Мақолада мева – сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришнинг инновацион йўналишлари таҳлили ва инновацияларни яратиш босқичида уларни баҳолашнинг асосий мезонлари ҳамда инновацион ривожлантириш йўл харитаси ишлаб чиқилган. Хорижлик олимларнинг илмий тадқиқот ишлари таҳлил этилган.

***Таянч сўзлар:** инновацион технологиялар, ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар, ташкилий-агротехник, технологик янгиланиш, аграр соҳа, қишлоқ хўжалиги, маҳсулотлар, рақобат, минтақа.*

ABSTRACT

In the article, the analysis of innovative trends in the development of the fruit-vegetable network, the main criteria for their evaluation at the stage of innovation creation, and the roadmap for innovative development are developed. Research works of foreign scientists are analyzed.

***Key words:** innovative technologies, producers, consumers, organizational-agro-technical, technological renewal, agricultural sector, agriculture, products, competition, region.*

АННОТАЦИЯ

В статье проведен анализ инновационных тенденций развития плодоовощной сети, разработаны основные критерии их оценки на этапе создания инноваций, разработана дорожная карта инновационного развития. Проанализированы научно-исследовательские работы зарубежных ученых..

***Ключевые слова:** инновационные технологии, производители, потребители, организационно-агротехническое, технологическое обновление, аграрный комплекс, сельское хозяйство, продукция, конкуренция, регион.*


КИРИШ

Бугунги кунда дунёда инновацион технологияларни қўллаш орқали аграр саноатни ривожлантириш бўйича рақобат муҳити кучайиб бораётган бир пайтда худудларда мева-сабзавотчилик саноатини ривожлантириш йўналишларини аниқлаб олиш ва такомиллаштириш зарур. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони[1] қишлоқ хўжалигининг муҳим қисми бўлган мева – сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда. Бинобарин, мева сабзавотчилик тармоғининг ривожланиши нафақат жаҳон мева-сабзавотчилик бозорининг ўсиш тўлқини, балки жаҳон бозорини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш омили ҳамдир. Мева – сабзавотчилик маҳсулотларини этиштириш ҳамда ушбу тармоқ ривожини ижтимоий – иқтисодий ўсиш омили ҳисобланганлиги боис, мева – сабзавотчилик тармоғи маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш, шу жумладан, стратегик аҳамиятга эга бўлган айрим мева – сабзавотчилик тармоғи маҳсулотларини этиштиришга ажратилган тижорат кредитларининг фоиз ставкаларини субсидиялаш, мева – сабзавотчилик тармоғи ва озиқ-овқат тармоғининг стратегик йўналишлари ва эҳтиёжларига мос кредитлаш ва суғурталаш механизмини, мева – сабзавот тармоғида интенсив инновацион технологияларни жорий қилишни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш каби вазифалар орқали тармоқнинг инновацион юксалиш жараёнларини жаддаллаштиришни кўзлайди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР.

Инновацияларни тарқатиш босқичида инновацион жараёнларни баҳолашнинг асосий мезони товар ишлаб чиқарувчиларни турли каналлар бўйича (кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими орқали, бошқарув функцияларини унинг барча даражаларида амалга ошириш йўли билан, илмий ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари ёрдамида ахборот-маслаҳат хизматлари тизими ҳамда инновацияларни махсус тарғиб қилиш орқали) янги билимлардан, фан ва техника ютуқларидан хабардор қилишнинг максимал тезкорлиги ҳисобланади. Савинко.В.Ф мева – сабзавотчилик тармоғида инновацияларни ўзлаштириш тизимларини шакллантириш учун инновацияларни тарқатиш заруратини асослаб берган[2]. Юқорида қайд

этилган ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқотларини ўрганиш натижаси, мева – сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш йўналишида инновацияларни тадбиқ этиш борасида хал этилиши лозим бўлган муаммолар борлигини кўрсатади. Фикримизча, мева – сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш учун мева – сабзавот хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини инновация асосида комплекс таҳлил қилиш ҳамда такомиллаштирилган услубиётини ишлаб чиқиш зарурдир(.1-расм).



1-расм. Мева - сабзавот тармоғи ишлаб чиқариши самарадорлигини комплекс таҳлил қилиш услуби[4].

Юқоридаги 1-расмда мева - сабзавот тармоғи ишлаб чиқариши самарадорлигини комплекс таҳлил қилиш услуби келтирилган бўлиб, ҳозирги кунда мамлакатимизда аграр тармоқда катта эътибор берилаётган кўп тармоқли ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантиришнинг маҳсулот етиштириш ҳамда уни сотиш бўйича даврийлик хусусиятларини инобатга олган ҳолда статистик баҳо бериш зарур. Аграр тармоқда ривожланиш дастури сифатида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги тармоғини 2030 - йилгача ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиши билан изоҳлашимиз мумкин бўлади[3]. Мамлакатимизда аграр тармоқни ривожлантириш учун кўплаб давлат дастурлари ишлаб чиқилмоқда ҳамда унинг ижросини назорат қилиш ҳамда натижасини баҳолаб бориш зарур ҳисобланади. Аграр тармоқда фаолият

самарадорлигига таъсир қилувчи омилларга статистик баҳо бериш, омилларнинг статистик жиҳатдан аҳамиятлилик даражасини аниқлаш ва олинган натижа асосида зарурий хулосалар ишлаб чиқиш статистик таҳлилнинг кўзланган мақсадга эришилишига замин яратади. Мамлакатимизда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш қишлоқ тармоғи тармоғида ҳам ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Ишлаб чиқаришда ўзлаштиришга тайёр бўлган инновацияларнинг яратилганлиги тўғрисидаги ахборотлар товар ишлаб чиқарувчиларга қанчалик тез етказилса, инновацион жараённинг ушбу босқичи шунча самарали фаолият кўрсатаётган бўлади. Ишлаб чиқаришда инновациялар (янгиликлар)ни ўзлаштириш босқичида самарадорлик мезонлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ❖ ишлаб чиқаришнинг технологик ва иқтисодий самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи технологик янгиланиши;
- ❖ меҳнат унумдорлигининг ва ишлаб чиқаришнинг ижтимоий самарадорлигининг ошиши;
- ❖ бир-бирлик ишлаб чиқариш майдонига тўғри келадиган маҳсулот чиқаришнинг кўпайиши;

Мева - сабзаёт тармоғини инновацион ривожлантириш бўйича йўл харитаси[4].(1-жадвал)

1-жадвал

№	Йўналиш	Тадбирлар
I	Қисқа, ўрта ва узок муддатли (технология асосида) мева - сабзаётчилик тармоғи тармоқларида илмий-техник ютуқларни саноат ривожланишининг асосий йўналишларининг инновацион прогнозлари	Мева – сабзаётчиликчиликга оид фанлари ютуқларини тизимли мониторинг қилиш, мева - сабзаётчилик тармоғи фанини ривожлантиришни истикболли йўналишларини аниқлаш
II	Дастурий-мақсад усулидан фойдаланган ҳолда мамлакат миқёсида ва минтақавий даражада мева - сабзаётчилик тармоғида инновацион жараёнларни ривожлантиришни рағбатлантириш	Мева - сабзаётчилик тармоғида илмий тадқиқотларни молиялаштиришни унинг ютуқларидан мақсадли фойдаланишга йўналтириш билан ошириш: ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни таъминлайдиган асосий янгиликларни амалга ошириш учун бюджет маблағлари ажратилади.

III	<p>Инновацияларни амалга оширувчи мева - сабзавотчилик тармоғи корхоналари қатламини уларнинг умумий сонининг 25 фоизигача кенгайтириш</p>	<p>Ишлаб чиқаришни изчил ва доимий равишда такомиллаштирадиган мева - сабзавотчилик тармоғи ишлаб чиқарувчилари учун қулай иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларни таъминлайдиган институционал ва ҳуқуқий базани шакллантириш.</p>
IV	<p>Солиқ қонунчилигини такомиллаштириш: янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқиш даврида солиқ имтиёзларини белгилаш</p>	<p>Вилоят мева - сабзавотчилик тармоғи ишлаб чиқарувчилари ўртасида инновацияларнинг потенциал истеъмолчилари рейтинги ва инновацияларни бирламчи ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг кашшоф лойиҳаларини амалга оширувчи субъектларни танлаш</p>
V	<p>Мева - сабзавотчилик тармоғида ишлаб чиқариш жараёнларини инновацион асосда рағбатлантириш</p>	<p>Инновацияларнинг дастлабки ривожланиш хавфини суғурта қилиш, тезлаштирилган амортизация ёрдамида ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш ва янгилаш харажатларини қоплаш, ресурс тежовчи технологиялардан фойдаланиш</p>

1-жадвалда Мева - сабзавот тармоғини инновацион ривожлантириш бўйича йўл харитаси мева – сабзавотчилик тармоғи-бозорнинг инновацион занжирини шакллантириш воситаси сифатида форсайт технологиялари турларидан биридир.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, мева - сабзавотчилик тармоғида инновацион инфратузилманинг мавжуд ва янгидан яратилган объектлари сони (технопарклар, инновацион-технологик марказлар, бизнес-инкубаторлар, технология трансфери марказлари и ҳ.к.) ошириш. Мева – сабзавотчилик тармоғида юқори технологик компанияларнинг фонд бозорини шакллантириш (юксак технологияларни яратиш), юқори технологик компанияларининг қимматли қоғозлари савдоси учун фонд бозорининг ихтисослаштирилган сегментини яратиш имкониятларини статистик баҳолаш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони (<https://lex.uz/>).

2. Савенко В.Г. Формирование системы освоения инноваций в сельском хозяйстве: теория, методология, практика: диссертация доктора экономических наук: 08.00.05. - Москва, 2005. - 338 с
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 июндаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони (<https://lex.uz/>).